ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАРНИ СЕМАНТИК МОДЕЛЛАШТИРИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

Ш.Ганиева

В статье рассматриваются вопросы лингвистического моделирования, отношение между формальной и содержательной структурами, фразеологического и содержательного центров, семантического моделирования фразеологических единиц.

The article is devoted to the analysis of linguistic modelling, relations between formal and semantic structures, phraseological and notional centres, as well as semantic modelling of praseological units.

Ўзбек тилшунослигида ўтган асрнинг 70-80-йилларидан бошлаб лингвистик модель ва моделлаштириш усулларидан кенг фойдаланила бошланди. Проф. А.Нурмонов ўзбек тилининг синтактик бирликлари мисолида илк бора моделлаштириш муаммосини ўртага қўйди [5]. У синтаксисни системавий тадқиқ этиш учун бошланғич нуқта синтактик модель бўлмоғи лозимлигини таъкидлайди. Реал жумлалар орқали воқеланган умумлашган структур схема синтактик модель ҳисобланади. Синтактик моделларни белгилашнинг икки тамойили таъкидланади: биринчи тамойил предикатив бирлик бўлиш учун етарли бўлган бирликларни ўз ичига олган минимал структурани белгилаш; иккинчи тамойил эса фақат грамматик бутунликнигина эмас, балки мазмуний тугалликни ҳам таъминлашга хизмат қиладиган структур элементларни аниқлаш.

Ҳар икки ҳолатда ҳам конкрет жумлалардан гапни гап қилиб турадиган бирликларни қолдириб, иккинчи даражали, факультатив бирликларни четлаштириш орқали синтактик модел белгиланади [5.8-11].

Ҳозирги кунда тил структурасини моделлашувчи система сифатида эътироф этиш [7] ва тилнинг барча сатҳ бирликларини моделлаштиришга ҳаракат сезилмоқда [4].

Тилни моделлаштириш муаммоси айниқса Ф. де Соссюрнинг лингвистик фаолиятни тил-нутқ дихотомияси асосида ўрганиш лозимлиги ҳақидаги таълимоти эътироф этилиши билан янада кучайди. Чунки моделлаштириш бевосита кузатишда берилган объектнинг муҳим белгиларини аниқлаш, ана шу йўл билан мавҳумлаштириш, яъни мавҳум объектга айлантириш орқали ҳосил қилинади. Демак, ҳар қандай модель остида иккита объект ётади: биринчи объект бевосита сезги аъзоларимизга таъсир этувчи конкрет объект бўлса, иккинчи объект шу объектнинг муҳим белгиларини аниқлаш асосида маълум субъект томонидан ҳосил қилинган конструктив объект ҳисобланади. Бу объект биринчи объект орқали яратилган ҳосила объект саналади. Иккинчи объект тафаккур маҳсули бўлгани сабабли айрим олимлар томонидан когнитема деб ҳам юритилади.

Фразеологик бирликлар ҳам муайян шаклий структурага эга бўлиш билан бирга, маълум семантикага ҳам эга. Проф. Ш.Раҳматуллаев фразеологик маъно таркибини семик таҳлил қилиш орқали ажратиладиган семаларни идеографик сема деб ҳисоблайди [6.176].

Шаклий структура билан мазмуний структура бир неча фразеологик бирликларда ўхшаш бўлиши мумкин. Масалан, шахс билан боғлиқ бўлган фразеологизмлар, шахс билан боғлиқ бўлмаган фразеологизмлар. Шахс билан боғлиқ бўлган фразеологизмлар учун интеграл белги шахслик белгиси бўлади ва ана шу белги моделлаштириш учун асос бўлади. Моделнинг рамзий ифодаси ҳам интеграл белгига асосланади. Шунинг учун бу гуруҳни $\Phi_{ш}$ рамзий ифодаси билан бериш мумкин.

А.Ф.Лосевнинг фикрига кўра, модель у ёки бу тил элементларининг тартибли кетма-кетлиги белгисига эга бўлиши лозим. Шунинг учун ҳам тартибли кетма-кетликка эга бўлган тил элементларини парчалаш тамойилига лингвистик моделларни белгилашнинг муҳим тамойили сифатида қарайди. Демак, ҳар қандай модель бутунлик сифатида иерархик парчаланиш хусусиятига эга бўлади. Масалан, $\Phi_{ш}$ шахс хусусиятини билдирувчи фразеологизмларга – $\Phi_{шх}$, шахс ҳолатини ифодаловчи фразеологизмларга – $\Phi_{шҳ}$ ва бошқаларга бўлинади. $\Phi_{шх}$, ўз навбатида, яна кичик гуруҳларга парчаланади. Бўлинишнинг ҳар бир босқичида битта сема модель ҳосил қилувчи восита сифатида хизмат қилади.

Фразеологизм муайян шаклий ва мазмуний компонентлардан ташкил топгани учун ҳар икки томондан ички структурага эга. Фразеологизмларнинг мазмуний структурасида фразеологик маънонинг бирлаштирувчи (интеграл) томонлари аниқ ажралиб туради. Фразеологик бирликларнинг бундай маъноси вазифасида категориал, баҳо, кучайтириш-таъкидлаш, қисман, жонли-жонсизлик маънолари хизмат қилади [1.26].

Фразеологик маънонинг муҳим таркибий қисми категориал маъно саналади. Худди лексик системада бўлгани каби, фразеологик системада ҳам фразеологизмларнинг шажаравий тузилиши кузатилади. Фразеологизмларнинг мазмуний иерархик тузилишида энг юқори босқични категориал маъно эгаллайди. Фразеологизмларнинг категориал маъноси юқори даражадаги абстракцияланишга эга бўлиб, фразеологизмларнинг қайси грамматик категорияга мансублик белгисини ўз ичига олади. Бир хил категориал маънога эга бўлган фразологизмлар бир катта парадигма остига бирлашади ва фразеологизмларнинг маълум сўз туркумларига мансублигини билдиради.

Фразеологизмлар категориал маъно хусусиятига кўра бир неча турларга бўлинади. Фразеологизмларнинг биринчи гуруҳини фразеологизм таркибидаги мазмуний ҳоким компонент орқали категориал маъно сезилиб турган фразеологизмлар ташкил қилади. Иккинчи гуруҳни эса фразеологизмнинг категориал маъноси таянч компонент орқали сезилмайдиган фразеологизмлар ташкил қилади.

Биринчи гуруҳга феъл, от, сифат, равиш фразеологизмлар мансубдир. Бу гуруҳдаги фразеологизмларни ҳарфий ифода орқали қуйидагича моделлаштириш мумкин: **Ф: $Ф_{sub}$, $Ф_{ad}$, $Ф_{adi}$** каби. Буларнинг ҳар қайсисини тавсифлаш натижасида имконият тарзидаги категориал моделларнинг нутқий жараёндаги воқеланишини ёритиш мумкин.

Фразеологик бирликлар доирасида категориал маънога қўшилган баҳо семали фразеологизмлар алоҳида аҳамиятга эга. Чунки ФБлар камдан-кам ҳолларда услубий нейтрал бўлиши кузатилади. Шунга кўра, фраземалар парадигмасида аксиологик маркерланган аъзолар муҳим ўрин тутади. Парадигма аъзоларини аксиологик нейтрал ва аксиологик маркерланган аъзолар сифатида ажратиш мумкин.

Проф. Б.Йўлдошев ФБларнинг услубий маъноси экспрессив-баҳо бўёғи ва функционал-услубий бўёқдан иборат эканлигини таъкидлайди [2.13]. У ФБларнинг функционал-услубий бўёғи, уларни услубий жиҳатдан фарқлашнинг энг муҳим мезонлари сифатида қуйидагиларни кўрсатади:

1. Этимологик мезон.
2. Ички шаклнинг жозибадорлиги мезони.
3. Семантик мезон.
4. Оҳангдошлик мезони.
5. Компонент мезони.
6. Миқдорий мезон. [2.14-17].

Бу ўринда олим ФБларнинг услубий бўёғи турлича лисоний ва нолисоний омиллар таъсирида шаклланишини кўрсатади.

Б.Йўлдошевнинг фикрича, “*Баҳолаш* деганда предмет ёки шахсга нисбатан салбий ва ижобий тавсиф бериш тушунилади. ФБ маъносини таҳлил қилганда баҳолаш хусусияти албатта иштирок этади. Агар ФБларнинг семантик структурасида баҳолаш семаси бўлса, ўша ибораниг структурал-грамматик қурилишидан қатъи назар, ФБ изоҳи сифат орқали берилади ёки бу изоҳ таркибида *ниҳоятда*, *жуда* сингари баҳо семасини ифодаловчи сўзлар қўлланади” [2.13].

Фразеологик бирликларни услубий-эмоционал ҳолатига кўра дастлаб икки гуруҳга ажратиш мумкин: яъни аксиологик нейтрал ва аксиологик маркерланган аъзолар сифатида. Ўз доирасида аксиологик маркерланган аъзолар ижобий ва салбий белгиси асосида зидланади. Ижобий баҳо белгиси асосида бирлашган ФБларни эвфемик аъзо, салбий баҳо белгиси билан бирлашган ФБларни дисфемик аъзо тарзида белгилаш мумкин. Буларни шартли равишда қуйидагича моделлаштириш мумкин:

$Ф_н$* - аксиологик нейтрал: *жони куймоқ, бош эгмоқ;

$Ф_м$* – *аксиологик маркерланган

$Ф_{мэ}$* – эвфемик (ижобий) баҳоли маркерланган аъзо: *жони фидо қилмоқ, ўн гулидан бир гули очилмоқ;

$Ф_{мд}$* – дисфемик (салбий) баҳоли маркерланган аъзо*: бошида ёнғоқ чақмоқ, икки қўлини бурнига тиқиб сингари.

Фразеологизация жараёни фразеологик бирликларни ташкил этган компонентларнинг деактуаллашиши билан узвий боғлиқдир. Проф. А.Маматов фразеологизмларнинг шаклланиш асослари сифатида шахс фаолияти ва психикаси билан боғлиқлиги жиҳатидан, касб-корга боғлиқлиги жиҳатидан, уй-рўзғор доирасида, пазандачилик, тиббиёт доирасида, деҳқончилик доирасида, чорвачилик доирасида, мусиқачилик доирасида, ҳайвонлар образи асосида, диний тушунчалар доирасида шаклланган фразеологизмлар сингари қатор гуруҳларни ажратади [3.17-28].

Юқоридаги ишда “фразеологизмларнинг нутқда мазмунан ва ифодавий ўзгаришлари ўрганилиб чиқилган, шаклланган ибораларнинг семантик, грамматик ва функционал янгиланиши масалалари тадқиқ этилган [3.6].

Фразеологизм компонентларининг деактуаллашиш даражаси хилма-хил. Шунга кўра, фразеологизм қисмларининг мазмуний яхлитланиш даражаси ҳам турлича. Айрим фразеологизм компонентлари синтактик функция ва мазмуний мустақиллигини йўқотиб, шу даражада бирикиб, яхлитланиб кетганки, улар бир бутун, яхлит ҳолда битта лексема ҳолига келиб қолган. Шу сабабли улар лексик бирликлар билан бир мазмуний парадигма аъзоси сифатида тил системасидан ўрин олади. Айримларида эса компонентларнинг семантик мустақиллиги ва улар ўртасидаги синтактик муносабат сезилиб туради.

Демак, фразеологизация динамик жараён бўлиб, яхлитланиш даражаси градуал ўсиб боради. Фразеологизация динамик жараён экан, бу жараёнда *мазмуний марказ* ва *фразеологик марказ* тушунчалари муҳим аҳамиятга эга. Бу тушунчалар фразеологизмларни моделлаштиришда ҳам таянч нуқталар бўлиб хизмат қилади.

Фразеологизм таркибида фразеологик маъно ҳосил қилиш функциясини бажарадиган компонент шу фразеологизмнинг мазмуний маркази саналади. Мазмуний марказ ролини, асосан, мустақил сўзлар бажаради. Мазмуний марказ барча фразеологизмлар учун хос бўлиб, у эркин қўлланган сўз билан мувофиқ келиши орқали белгиланади. Жумладан, *қўли очиқ – сахий, кўнгли очиқ – оққўнгил* сингари фразеологизмларнинг мазмуний маркази ***очиқ*** компоненти ҳисобланади. Худди шу қисм эркин қўлланувчи ***сахий*** ва ***оққўнгил*** сўзлари билан мувофиқ келади. Шунинг учун фразеологизмларни мазмуний моделлаштиришда ана шундай мазмуний марказга таяниш катта аҳамиятга эга.

Профессор Ш.Раҳматуллаев фраземаларнинг мазмун жиҳатлари тўғрисида фикр юритар экан, фраземанинг воқеликка нисбат бериладиган луғавий мазмуни (ниманидир англатиши, ифодалаши) фразеологик маъно дейилишини таъкидлайди [6.175].

Фразеологизм таркибидаги ҳозирги ўзбек тили нуқтаи назаридан маъносини аниқлаб бўлмайдиган компонент фразеологик марказ саналади. [1.93].

Демак, фразеологик марказ фразеологизм ҳосил бўлиши учун таянч нуқта бўлиб хизмат қилади. Масалан, ҳозирги ўзбек тилидаги *қари тулки* фразеологизмидаги *тулки* сўзининг маъноси эркин қўлланилган *тулки* сўзининг маъносига тенг келмайди.

Фразеологик ва мазмуний марказлар ўзаро боғлиқ, бир-бирини тақозо этувчи, фразеологизм бир бутунлигини таъминловчи ҳодисалар саналади. Мазмуний марказ фразеологизмни эркин боғланиш билан яқинлаштирса, фразеологик марказ фразеологизмни сўз билан яқинлаштириб туради [1.95]. Ҳар икки марказларга таянган ҳолда фразеологик моделларни ҳосил қилиш мумкин.

Адабиётлар:

1. Жуков В.П. Семантика фразеологических оборотов.- М.: Просвещение, 1972.
2. Йўлдошев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тилида фразеологик бирликларнинг функционал-услубий хусусиятлари. Филол. фанл. докт.....дисс. автореф.- Т., 1993.
3. Маматов А. Ўзбек тили фразеологизмларининг шаклланиши масалалари. Филол. фанл. докт.....дисс. автореф.- Т., 2000.
4. Набиева Д. Ўзбек тилининг турли сатҳларида умумийлик-хусусийлик диалектикасининг намоён бўлиши.- Т.: Шарқ, 2005.
5. Нурмонов А.Н. Проблемы системного исследования синтаксиса узбекского языка.- Т.: Фан, 1982.
6. Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги адабий ўзбек тили. Иккинчи китоб.- Т.: Mumtoz so'z, 2010.
7. Ревзин И.И. Структура языка как моделирующей системы.- М.: Наука, 1978.

Фарғона давлат университети,
2012 йил 20 июлда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. А.Нурмонов)